

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02.
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

МАҲАМАТХОДЖАЕВА ХУЛҚАР БАХТИЯРОВНА

**АНКИЛОЗЛОВЧИ СПОНДИЛОАРТРИТДА ЦИТОКИНЛАР ВА
ТОҒАЙ ТЎҚИМАСИ МАРКЕРЛАРИНИНГ КЛИНИК-ДИАГНОСТИК
ВА ПРОГНОСТИК АҲАМИЯТИ**

14.00.05- Ички касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Махамадходжаева Хулкар Бахтияровна

Анкилозловчи спондилоартритда цитокинлар ва тоғай туқимаси
маркерларининг клиник-диагностик ва прогностик
ахамияти..... 3

Махамадходжаева Хулкар Бахтияровна

Клинико-патогенетическое и диагностическое значение цитокинов и
маркеров хрящевой ткани при анкилозирующим
спондилоартрите.....

Mahamadkhodzhayeva Hulkar Bakhtiyarovna

Clinical, pathogenetic and diagnostic significance of cytokines and markers
of cartilage tissue in ankylosing spondylitis.....

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02.
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

МАҲАМАТХОДЖАЕВА ХУЛҚАР БАХТИЯРОВНА

**АНКИЛОЗЛОВЧИ СПОНДИЛОАРТРИТДА ЦИТОКИНЛАР ВА
ТОҒАЙ ТЎҚИМАСИ МАРКЕРЛАРИНИНГ КЛИНИК-ДИАГНОСТИК
ВА ПРОГНОСТИК АҲАМИЯТИ**

14.00.05- Ички касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ -2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.3.PhD/Tib3752 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Набиева Дилдора Абдумаликовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Шодикулова Гуландом Зикрияевна
тиббиёт фанлари доктори

Абдуллаев Хожиякбар Хатамович
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Тошкент педиатрия тиббиёт институти

Диссертация химояси Тошкент тиббиёт академияси хузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашининг 2024 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+99878) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2024йил «___» _____ да тарқатилди.
(2024йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

А.Г. Гадаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Э. Пулатова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

А.Л. Аляви

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор, Ўз.ФА академиги

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.

Анкилозловчи спондилоартрит – бу спондилоартритлар гуруҳига кирувчи сурункали яллиғланишли ревматик касаллик хисобланиб, аста-секинлик билан авж олувчи, эрта ногиронлик ва оғир асоратларнинг ривожланиш хавфининг мавжудлиги ҳозирги кунгача мазкур касалликнинг долзарблиги сақланганлигидан далолат беради. Анкилозловчи спондилоартрит тарқалиши турли ҳудудларда турлича ва ёши катта аҳолининг ўртача 0,02% дан 1,4% гача қисмини қамраб олган. Замонавий қарашларга биноан, “...ревматик касалликлар ва шу жумладан анкилозловчи спондилоартрит патогенезида марказий ўринни патологик цитокин IL-23 эгаллайди...”¹. Шунингдек мазкур хасталик билан касалланганлар қон зардобидида тоғай гликопротеини (YKL-40) миқдорининг ошиши яллиғланиш фаоллиги клиник-лаборатор кўрсаткичлари билан боғлиқлиги аниқланган.

Жаҳонда анкилозловчи спондилоартритни эрта ташхислаш, касаллик асоратларини башоратлаш ва олдини олиш муаммоларига бағишланган қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жумладан, анкилозловчи спондилоартрит билан касалланган беморлар қон плазмасида интерлейкин-23 (IL-23)нинг юқори миқдорда эканлиги касаллик фаоллиги билан боғлиқлигини тасдиқлайди. Шу билан бирга касаллик рентгенологик босқичларига мос равишда, тоғай гликопротеини (YKL-40) даражасининг ўзгариши, тоғай деструкцияси яққоллик даражаси билан чамбарчас боғлиқлигини билдиради. Анкилозловчи спондилоартритга эрта ташхис қўйиш тиббиёт учун долзарблиги сабабли касаллик чуқурроқ ўрганилмоқда. Бу эса касалликнинг турли босқичларини аниқлаш, эрта даврларида ташхислаш имконини яратади.

Ўзбекистонда ҳозирги вақтда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш, турли хавфли касалликларни олдини олиш, ташхислаш ва даволаш борасида кенг кўламли тадбирлар амалга оширилмоқда. “...Соғлиқни сақлаш тизимида давлат бошқарувини такомиллаштириш, бирламчи бўғинни касалликларни эрта аниқлайдиган ва даволайдиган тизимга айлантириш, рақамлаштириш ишларини жадаллаштириш, соҳа ривожланишининг яқин ва узоқ муддатли истиқболларини белгилаш, тиббий хизматлар ҳажмини ошириш ва сифатини тубдан яхшилаш, рақобат ва хусусий секторни қўллаб-қувватлаш, тиббиёт ходимларининг билимини ошириш, таълим ва илм-фанни ривожлантириш...”² каби муҳим вазифалар тиббиёт ходимлари зиммасига юкланмоқда. Мазкур вазифаларни амалга оширишда оилавий шифокорлар ва ревматологлар томонидан кўрсатиладиган тиббий хизмат даражасини ошириш ва хавф омилларини бартараф этиш ҳамда эрта ташхислашни янада

¹ Эрдес Ш.Ф. и др. Моноклональные антитела к интерлейкину 17 для лечения анкилозирующего спондилита: результаты анализа российской группы больных из рандомизированных двойных слепых плацебо-контролируемых исследований MEASURE 1 и MEASURE 2 // Научно-практическая ревматология. - 2022. - Т. 1. - № 55. - С. 17–25.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 майдаги ПҚ 5124-сон “Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори

такомиллаштириш, аҳоли орасида бўғим касалликларини камайтириш билан бир қаторда анкилозловчи спондилоартритни олдини олиш, ногиронлик кўрсаткичларини камайтириш имконини яратади.

Мазкур илмий тадқиқот Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022 - 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва 2022 йил 25 апрелдаги ПҚ-215-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдамини аҳолига яқинлаштириш ва тиббий хизматлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва техника тараққиётининг асосий устувор йўналишларига мувофиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналиш VI. “Тиббиёт ва фармакология” йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сўнгги йилларда узок хориж мамлакатларида анкилозловчи спондилоартритни эрта аниқлаш ва асоратларини олдини олиш усуллари такомиллаштириш бўйича турли даражадаги тадқиқотлар олиб борилган. Жумладан, соғлом инсонлар ёки ревматоид артрит билан касалланган беморларга қараганда анкилозловчи спондилоартрит билан касалланган беморлар қон плазмасида IL-23нинг юқори миқдори аниқланган (Singh R. et al., 2020). Ревматоид артрит ёки остеоартритга қараганда реактив артрит ва таққосланмаган спондилоартрит билан беморлар бўғим суюқлигида IL-23 миқдори кўпроқ эканлиги ўрганилган (Wendling D., 2021). Анкилозловчи спондилоартрит билан касалланган беморлар қон зардобида UKL-40 миқдорининг ошиши яллиғланиш фаоллиги клиник-лаборатор кўрсаткичлари билан боғланганлиги ўрганилган (Pedersen S.J., 2015).

Жахон мамлакатларида ушбу касаллик муаммоси бўйича етарлича илмий ишлар олиб борилган. Жумладан, IL-23 га қарши дори воситалар ёрдамида анкилозловчи спондилоартрит билан касалланган беморларни даволашдан кейинги кузатувлар ушбу патологик цитокиннинг мазкур хасталик патогенезида муҳим иштирокини кўрсатди (Эрдес Ш.Ф., 2018). Яллиғланиш чақирувчи медиаторлар (IL-23, IL-17, ўсма некрози омили TNF- α , IL-1, IL-22, IL-6) ушбу касалликнинг патогенезидаги ва даволашда уларга қарши дори воситаларини қўллаш борасида муҳим тадқиқотлар ўтказилган (Черенцова И.А., 2021). Механик стресс шароитида IL-23 тоғай ва суяк тўқимаси чегарасидаги яллиғланиш ўчоғида патологик суяк пролиферациясига олиб келиши, бу эса ортикча суяк тўқимасининг шаклланишига ҳамда синдесмофитларнинг ўсишига сабаб бўлиши ўрганилган (Орел А.М., 2015).

Мамлакатимизда анкилозловчи спондилоартритни самарали ташхислаш ва даволаш усуллари ўрганиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жумладан, ушбу касалликда минераллар алмашинуви

бузилишининг клиник-патогенетик аҳамияти ва уни коррекциялаш йўллари (Пулатова Ш.Б., 2022), COVID-19 ўтказган беморларда анкилозловчи спондилоартритнинг клиник-иммунологик хусусиятлари ва даволаш-профилактика чораларини олиб боришда янгича ёндашувлар (Абдурахманова Н.М., 2022), улардаги иммуногенетик бузилишлар, яллиғланиш маркерлари ва юрак қон-томир тизими ҳолатининг хусусиятлари (Исламова Д.Н., 2022) каби муаммолар ўрганилган.

Анкилозловчи спондилоартрит ташхисотида касаллик даражасини цитокинларни қўллаган ҳолда аниқлаш, тоғай тўқима маркерларини унинг босқичига мос ҳолда башоратлашни аҳамиятини баҳолаш. Уларни қўллаган ҳолда касаллик асоратларини эрта аниқлаш ва башоратлаш билан боғлиқ маълумотларнинг етарли эмаслиги ушбу тадқиқот ишини ўтказилиш лозимлиги талабини оширди.

Диссертация тадқиқотининг у бажарилган олий ўқув юртининг илмий тадқиқот иши режаси билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академияси илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №01.070070 «Аутоиммун касалликларни эрта ташхислаш ва даволашга инновацион ёндашиш усулларини ишлаб чиқиш» мавзуси доирасида бажарилган (2018-2022 й).

Тадқиқотнинг мақсади анкилозловчи спондилоартрит билан оғриган беморларда цитокинлар ва тоғай тўқима маркерларини касаллик босқичига мос ҳолда диагностик ва прогностик аҳамиятини баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Анкилозловчи спондилоартрит билан оғриган беморларнинг қон зардобида IL-23 даражасини касаллик босқичига боғлиқ равишда аниқлаш;

Анкилозловчи спондилоартрит билан оғриган беморларнинг қон зардобида YKL-40 концентрациясини касаллик босқичига кўра таҳлил қилиш;

IL-23 нинг YKL-40 даражаси билан боғлиқлигини аниқлаш;

Анкилозловчи спондилоартритга чалинган беморларда тоғайнинг эрта деструкцияланишини баҳолаш ва башоратлаш.

Тадқиқот объекти сифатида 2020-2022 йилларда Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникаси кардиоревматология ва ревматология бўлимларида шифохона ва амбулатор даволаниш курсини ўтган анкилозловчи спондилоартрит билан оғриган 90 нафар беморлар ва 20 нафар соғлом шахслар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида беморларнинг капилляр ҳамда веноз қони, чаноқ-сон, думғаға-ёнбош бўғими рентгенография ва МРТ натижаларидан фойдаланилган.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотни бажаришда умумий клиник, биокимёвий, иммунофермент таҳлил, рентген-радиологик, касаллик фаоллик индекслари сўровномалари ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагидан иборат:

Анкилозловчи спондилоартрит билан оғриган беморларда ІІ-23 даражасини касаллик босқичларига мос равишда ташхисий ва башоратли аҳамияти исботланган;

Касалликнинг рентгенологик босқичлари ошиб борган сари УКЛ-40 даражасининг пасайиши асосланган;

ІІ-23 ва УКЛ-40 даражалари билан касалликнинг бошқа фаоллик индекслари ўртасида кучли манфий корреляцион боғлиқлик мавжудлиги исботланган;

Касаллик эрта босқичида УКЛ-40 миқдорининг баланд бўлиши тоғай деструкцияси авж олганлик даражасини билдирувчи ташхисий маркер сифатида хизмат қилиши асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Анкилозловчи спондилоартритнинг дастлабки босқичида ІІ-23 юқори даражада, кейинги босқичларида унинг миқдорининг пасайиши жараён фаоллигини билдирувчи маркер эканлиги асосланган;

Ушбу касаллик билан оғриган беморларнинг қон зардобида УКЛ-40 концентрацияси рентгенологик босқичлари ривожланган сайин пасайиб бориши, тоғай деструкциясининг эрта босқичда авж олишини билдириши исботланган;

ІІ-23, УКЛ-40 даражалари ва касаллик фаоллик индекслари ўртасида кучли манфий боғлиқлик мавжудлиги кузатилган;

Анкилозловчи спондилоартрит дастлабки босқичларида ІІ-23 ва УКЛ-40 даражаларининг ошиши тоғай деструкциясининг эрта башоратли диагностик маркери сифатида қўлланилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотни амалга оширишда қўлланилган назарий ҳамда амалий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг керакли миқдорда эканлиги, етарли даражада материал йиғилганлиги, қўлланилган текширув усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган клиник, иммунологик, инструментал ва статистик усуллар асосида ишлов берилганлиги, шунингдек тадқиқот натижаларининг ҳалқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ва олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти анкилозловчи спондилоартрит билан оғриган беморларда қон зардобида ІІ-23 ва УКЛ-40 ни аниқлаш касалликка ўз вақтида ташхис қўйиш, унинг босқичларини эрта аниқлаш, касаллик асоратларини башоратлаш ҳамда олдини олиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти анкилозловчи спондилоартрит билан касалланган беморлар қон зардобида УКЛ-40 ни аниқлаш касаллик оғир асоратларига олиб келадиган тоғай деструкциясини олдиндан башоратлаш ва авж олишини, ногиронлики олдини олиш ҳамда уларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Анкилозловчи спондилоартрит эрта ташхисоти учун янги усулни ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида;

Анкилозловчи спондилоартрит эрта ташхисоти учун янги усулни ишлаб чиқиш илмий натижалари асосида “Анкилозловчи спондилоартрит эрта ташхисоти учун янги усулни ишлаб чиқиш” номли услубий тавсияномаси тасдиқланган (Тошкент тиббиёт академиясининг 2023 йил 22 майдаги №_05-23/55-t сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома мамлакатимизда анкилозловчи спондилоартрит касаллигини эрта ташхислаш имконини берган;

Анкилозловчи спондилоартрит билан оғриган беморларда цитокинлар ва тоғай тўқима маркерларини касаллик босқичига мос ҳолда диагностик ва прогностик аҳамиятини баҳолаш бўйича тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази ва Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт марказида амалиётига тадбиқ этилган (Тошкент тиббиёт академиясининг 2024 йил 17-январидagi № 01-24/100-х-сонли хулосаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга жорий этилиши анкилозловчи спондилоартрит билан беморларни ташхисини ҳамда касаллик фаоллигини эрта аниқлаш ва башоратлаш, меҳнатга лаёқатлик даврини узок муддат сақлаб қолиш, ҳаёт сифатини ошириш, касалликни авжланиши ва эрта ногиронликни олдини олиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари учта халқаро ва бешта Республика, жами саккизта илмий амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Диссертацияда олинган натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами саккизта мақола эълон этилган ва унинг тўрттаси Олий аттестация комиссиясининг диссертация асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган нашрларда уреспублика ва биттаси хорижий журналларда эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Илмий иш 4 боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан таркиб топган. Диссертация ҳажми 102 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурият асосланган, унинг мақсади ва вазифаларини белгиланган, объекти тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва техникаси ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, илмий янгилиги тақдим этилган ва тадқиқотнинг амалий натижалари, уларнинг илмий-амалий аҳамияти ва амалиётга тадбиқ этилиши, чоп этилган ишлар ва диссертация таркиби тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “Анкилозловчи спондилоартрит ҳақида замонавий қарашлар, турли хил омилларнинг касаллик ривожланиши ва унинг клиник кечиш хусусиятларидаги ўрни (адабиётлар шарҳи)” деб

номланган биринчи боби тўртта кичик бўлимдан иборат адабиётлар шарҳи маълумотлари мавжуд. Ушбу бобда муаммонинг ҳозирги ҳолати таҳлил қилинади, анкилозловчи спондилоартрит тарқалиши ва таснифи, патогенези ҳақидаги замонавий тасаввурлар, клиник кўриниши ва ташхисоти ҳамда даволаш тамойиллари баён этилган. Кейинчалик тадқиқот талаб қиладиган масалалар доираси аниқланган ва ишнинг долзарблиги асосланган.

Диссертация ишининг **“Тадқиқот клиник материали ва усуллари”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объекти, предметлари ва усуллари ҳамда қўлланиладиган статистик усуллар ёритилган. Тадқиқот Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникаси кардиоревматология ва ревматология бўлимларида 2020-2022 йилларда олиб борилди. Тадқиқотга 1984 йилги ўзгартирилган Нью-Йорк меъзонлари ҳамда/ёки 2009 йилги ASAS мутахассисларининг аксиал спондилоартрит учун ишлаб чиқилган таснифланувчи меъзонларга мувофиқ АСА билан ташхисланган, шифохона ва амбулатор шароитда даволанган 90 бемор ҳамда 20 нафар соғлом шахслар жалб этилган.

Ҳар бир беморга Россия ревматологлар ассоциацияси клиник тавсиялари асосида тузилган шахсийлаштирилган бемор картаси тўлдирилган.

Энтезисларнинг жараёнга тортилиши 11 соҳани баҳолашни ўз ичига олган MASES (Maastricht Ankylosing Spondylitis Enthesitis Score) индекси бўйича аниқланди.

Яллиғланиш жараёни фаоллиги BASDAI (Bath Ankylosing Spondylitis Disease Activity Index) индекси ва СРО ёки ЭЧТ миқдори ASDAS (Ankylosing Spondylitis Disease Activity Score) индекси билан баҳоланган.

Функционал бузилишлар яққоллиги беморнинг ҳар кунги фаоллигини аниқловчи визуал аналог шкала бўйича баҳоланадиган 10 та саволдан иборат BASFI (Bath Ankylosing spondylitis Functional Index) индекси ёрдамида баҳоланган. Унга кўра BASFI ≥ 4 бўлганда функционал бузилишлар яққол деб ҳисобланилади.

Беморни функционал хусусиятларини объектив баҳолаш учун энса-девор масофаси, ияк-тўш масофаси, кўкрак қафаси экскурсияси, Шобер ўзгартирилган синамалари, Томайер синамаси каби кўшимча синамалардан фойдаланилган.

Аъзо ва тизимлар зарарланиши (увейт, носпецифик ярали колит, псориаз, юрак ўтказувчи тизимининг бузилиши) тиббий хужжатлаштириш маълумотлари (касалхонадан чиқарилиш статистик карталари, амбулатор карталар) ва тегишли мутахассислар хулосалари асосида томонидан тасдиқланган.

Барча текширилган беморларга Тошкент Тиббиёт Академияси кўп тармоқли клиникаси функционал диагностика бўлимида умумий қон таҳлили BS 5000 (Mindray, Хитой) ярим автоматик анализаторида, умумий сийдик таҳлили Combilyzer (Human, Германия) ярим автоматик анализаторида, қоннинг биокимёвий кўрсаткичлари (билирубин, глюкоза, креатинин, мочевина, умумий оксил, гамма-глутамилтранспептидаза, АлАТ, АсАТ) BS 200 (Mindray, Хитой) автоматик биокимёвий анализаторида текширилди.

Кузатувдагиларда чанок суякларининг тўғри проекциядаги стандарт рентгенографияси Winscope 2000 (Winscope Plessart) масофадаги назоратли аппаратларда Тошкент Тиббиёт Академияси рентгенологик бўлим ходимлари томонидан амалга оширилди. Беморларга кўрсатмаларга мувофиқ Toshiba Arlio аппаратида Тошкент Тиббиёт Академияси функционал бўлим ходимлари томонидан амалга оширилди.

HLA-B27 гени молекуляр-генетик таҳлили ёрдамида аниқланди. Молекуляр генетик текшируви учун материал сифатида АСА билан касалланган ва назорат гуруҳидаги инсонларнинг лунж эпителийси намуналари олинди.

Генотиплаш Тошкент шаҳар “GENOTEKNOLOGIYA” МЧЖ да аниқ вақтда флюоресцент детекцияли (TaqMan) полимераза занжир реакцияси (ПЗР) форматида аллель-маҳсус гибридизация усули ёрдамида аниқланди.

YKL-40 ва IL-23ни аниқлаш иммунофермент таҳлили асосида ўтказилди.

Тадқиқот давомида олинган натижаларга Windows XP учун SPSSv.15.0 (2007) ва MS Excel дастурий таъминот тўплами ёрдамида амалга оширилиб статистик қайта ишлов берилди. Ўрганилган кўрсаткичлар ўртасида боғлиқликларни таҳлил қилиш учун Спирмен формуласи бўйича корреляция коэффициентини ҳисоблаш билан даражали корреляцион таҳлил усули қўлланилди.

Диссертациянинг **“Шахсий тадқиқотлар натижалари. Анкилозловчи спондилоартрит билан беморларнинг умумий тавсифи ва клиник-лаборатор таҳлил натижалари”** деб номланган учинчи бобида Анкилозловчи спондилоартрит билан касалланган беморлар умумий клиник тавсифи ва ушбу беморларда касаллик фаоллик индекси натижалари баён этилган.

АСА билан оғриган беморларнинг жинс жиҳатидан, асосий қисмини эркеклар, яъни беморлар умумий сонининг 87,8%ини ташкил қилди, уларни аёлларга нисбатда 8:1 кузатилди. Беморларнинг умумий ёши эркеклар ва аёллар орасида нисбатда фарқланмади, яъни иккала жинсда ҳам 42 ёш орасида бўлди. АСА дебюти эркеклар орасида 34±6,1 ёшда, аёлларда эса 37±3,5 ёшда бошланди. Ногиронлик умумий 34 нафар, улардан 20 нафари 2 гуруҳ, қолгани 3 гуруҳ ногиронлиги мавжуд беморлар ташкил қилди. Беморларнинг клиник тавсифи таҳлил этилганида, ёш жиҳатидан энг кўп фоиз, яъни 38,9% 31 ёшдан 40 ёшгача бўлган кузатувдагилардан, ҳамда энг кам фоиз, 16,7% 51 ёш ва ундан катта ёшдагиларга тўғри келди (1-жадвал).


1-жадвал

Беморларнинг жинс, ёш, ногиронлик учраши бўйича тақсимланиши

Белгилар	Белгилар градацияси	Анкилозловчи спондилоартрит билан беморлар, n=90	
		n	%


Жинс	эркаклар	79	87,8%
	аёллар	11	12,2%
Ёш	30 ёшгача	17	18,9%
	31-40 ёш	35	38,9%
	41-50 ёш	23	25,5%
	51 ёш ва ундан катта	15	16,7%
Ногиронлик	Жами	34	37,8%
	II гуруҳ	20	58,8%
	III гуруҳ	14	41,2%

АСА аксиал кўринишидан ташқари бўлган белгилари таҳлили ўтказилганида кўпчилик беморларда анамнезида ҳамда текширилган пайтда энтезит аниқланди, яъни мос равишда 82% ва 59%, кейинги ўринларда 60% кузатувдагилардан анамнезида периферик артрит, пастки муччалар бўғимлари артрити 31%, дактилит 28% ҳамда қолган белгилар камроқ фоизда, атиги 1 нафар беморда чакка-пастки жағ бўғими артрити аниқланди (1 - расм).



1 – расм. Анкилозловчи спондилоартрит аксиал кўринишидан ташқари бўлган белгилари

АСА суякдан ташқари кўринишлари орасида кўпроқ юрак ўтказувчи тизимининг бузилишлари 28 нафар беморда, анамнезда увеит 19 нафар беморда кузатилиб, қолган касалликлар, яъни псориаз камроқ беморларда, ва энг кам яъни 1 нафар беморда ичак яллиғланиш касаллиги қайд этилди (2 - расм).



2 – расм. Анкилозловчи спондилоартрит суякдан ташқари кўринишлари

Кўшилиб келган патология учраши таҳлили ўтказилганда, коморбид касалликлар бўлмаган беморлар 74%, 2 ва ундан ортиқ кўшилиб келган касаллиги мавжуд беморлар 51%ни ташкил қилди. Улар орасида 44% артериал гипертензия билан касалланганлар устунлик қилди, ундан кейин сурункали тошсиз холецистит 22% ва сурункали панкреатит 21% учради. Бошқа коморбид патологиялар деярли бир хил фоизларни намоён бўлди ва кам сийдик тош касаллиги ва 2-тип қандли диабет билан касалланганлар бўлди, яъни 2 нафар беморда учради (2 - жадвал).

2 – жадвал

Анкилозловчи спондилоартрит билан оғриган беморларда коморбид касалликларни учраши

Кўшилиб келган патологиялар	Асосий гуруҳ, n (%)	Назорат гуруҳ, n (%)
Кўшилиб келган касаллиги йўқ	67 (74,4%)	10 (50%)
2 ва ундан ортиқ коморбид ҳолати мавжуд	46 (51,1%)*	4 (20%)
АГ	40 (44,4%)	2 (10%)
ЮИК. Стенокардия. II ФС	4 (4,4%)	-
Сурункали тошсиз холецистит	20 (22,2%)	2 (10%)
Сурункали панкреатит	19 (21,1%)	2 (10%)
Стеатогепатоз	7 (7,8)	-

12 бармоқли ичак яра касаллиги	9 (10%)	1 (5%)
Сурункали бронхит	9 (10%)	1 (5%)
Сурункали пиелонефрит	4 (4,4%)	-
Сийдик тош касаллиги	2 (2,2%)	-
2-тип қандли диабет	2 (2,2%)	-
Пастки муччалар варикоз касаллиги	5 (5,5%)	-

Изоҳ: *- $p < 0,05$ - назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан фарқнинг ишончилиги

Касалликнинг босқичлари ASAS таснифий меъзонлари асосида аниқланди. Унинг рентгенгача (эрта) босқичи 11 (12,2%), авж олган босқичи, яъни чаноқ суякларининг шарҳий рентгенограммасида сакроилеитнинг ишончли белгилари ва умуртқа поғонасида тузилмавий ўзгаришлар (синдесмофитлар) мавжуд босқич 41 (45,6%), кечки босқичи, яъни анкилозлар шаклланганлик босқичи 38 (42,2%) нафар беморда кузатилди.

АСА фаоллиги ВАШ, BASDAI, ASDAS индекслари ҳамда СРО ва ЭЧТ кўрсаткичлари асосида баҳоланди. ВАШ бўйича умуртқа поғонасида кечки оғрик 6 балл, BASDAI бўйича ўртача 4,95, ASDAS (СРО) бўйича 3,25, ASDAS (ЭЧТ) бўйича 3,1, СРО, ўртача 9 мг/л, ЭЧТ ўртача 19,5мм/соатни ташкил қилди (3 – жадвал).

3 - жадвал


Анкилозловчи спондилоартрит фаоллик индекслари

Кўрсаткичлар	Асосий гуруҳ	Назорат гуруҳи
ВАШ бўйича умуртқа поғонасида кечкурунги оғрик	6*	1
BASDAI индекси бўйича фаоллик, баллар	4,95	1,8
ASDAS _{СРО} бўйича фаоллик, баллар	3,25	0,9
ASDAS _{ЭЧТ} бўйича фаоллик, баллар	3,1	0,8
С-реактив оқсил, мг/л	9,02	1,7
Эритроцитлар чўкиш тезлиги, мм/соат	19,5	4,2


Изоҳ: *- $p < 0,05$ - назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан фарқнинг ишончилиги

Индекслар бўйича фаоллик даражалари таҳлилида, BASDAI ва ASDAS (ЭЧТ) бўйича юқори фаолликдаги беморлар кўпроқ фоизни ташкил этди, яъни мос равишда 39% ва 50%, лекин ASDAS (СРО) бўйича эса жуда юқори


фаоллик устунлик килди, яъни 45,6%. Кейинги ўринда ASDAS (CPO) ва ASDAS (ЭЧТ) бўйича ўрта фаолликдаги беморлар фоизи фарқланмади, яъни 10 фоиз атрофида бўлди, BASDAI бўйича эса ўртача фаоллик даги беморлар деярли 3 барабар кўпроқ учради, яъни 29%. Барча фаоллик индекслари бўйича энг кам фоиздаги беморлар касалликнинг паст фаолликдаги турига тўғри келди (3-, 4 -, 5 – расм).



3 – расм. Анкилозловчи спондилоартрит BASDAI фаоллик индекси



4 – расм. Анкилозловчи спондилоартрит ASDAS_{CPO} фаоллик индекси



5 – расм. Анкилозловчи спондилоартрит ASDAS_{ЭЧТ} фаоллик индекси

Умуртқа поғонасидаги ўзгаришлар BASFI индекси, Томайер синамаси, Шобернинг модификацияланган тести, кўкрак қафаси экскурсияси, энса девор, ияк-тўш масофаси каби функционал индекслар ёрдамида баҳоланди. BASFI индекси 54 нафар беморда ўртача 5 см, Томайер синамаси 88 нафар беморда 30 см, Шобернинг модификацияланган тести 82 нафар беморда 2 см, Кўкрак қафаси экскурсияси 74 нафар беморда 3,5 см, энса-девор масофаси 31 нафар беморда 31 см, ияк-тўш масофаси 3 см.ни ташкил этди (4 – жадвал).


3.3 - жадвал

Умуртқа поғонаси функционал индекслари

Кўрсаткичлар, (n=90)	Асосий гуруҳ		Назорат гуруҳи	
	Чегараланган кўрсаткичлар билан беморлар сони, n (%)	Ўртачаси	Беморлар сони, n (%)	Ўртачаси
BASFI индекси, см	54 (60%)	5*	1 (5%)	4
Томайер синамаси, см	88 (97,8%)	30	2 (10%)	12
Шобернинг модификацияланган тести, см	82 (91,1%)	2	2 (10%)	4
Кўкрак қафаси экскурсияси, см	74 (82,2%)	3,5	2 (10%)	9
Энса-девор, см	31 (34,4%)	11	1 (5%)	1,1
Ияк-тўш, см	81 (90%)	3	2 (10%)	1

Изоҳ: *- $p < 0,05$ - назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан фарқнинг ишончилиги

АСА билан беморларда HLA-B27 ҳолати баҳоланганда асосий гуруҳда 92% беморда мусбат, қолганларида манфий, айти дамда назорат гуруҳида фақат бир нафарида мусбат натижа қайт этилди (6 – расм).



6 – расм. Анкилозловчи спондилоартрит билан оғриган беморларда HLA-B27 ҳолати

HLA-B27 ҳолатига кўра АСА тавсифи таҳлил этилганида, HLA-B27 мусбат, яъни 83 нафар беморлардан 74 нафари эркак, қолганлари аёл, HLA-B27 манфий беморлардан 5 нафари эркак, 2 нафари аёл жинсига мансуб эди. HLA-B27 мусбат ва манфий беморларда беморлар ёши деярли фарқланмади, яъни 37 ва 34 ёшни ташкил қилди. Дебют вақтида бемор ёши HLA-B27 мусбат ва манфий беморлар ёши мос равишда 36 ва 40 ёшни ташкил қилди. Касалликнинг аксиал шакли кўпроқ HLA-B27 мусбат беморларда намоён бўлди. Периферик шакли эса мусбат ва манфий беморларда мос равишда, 34 ва 43%ни ташкил қилди. HLA-B27 мусбат беморларда энг кўп R0 ва R1 босқичи кузатилди, яъни мос равишда 38 ва 37 нафар беморда. III Rg сакроилеит HLA-B27 мусбат гуруҳда 39 нафар беморда, HLA-B27 манфий гуруҳда эса 1 нафар беморда кузатилди. IV Rg сакроилеит HLA-B27 манфий беморларда кузатилмади. HLA-B27 мусбат ва манфий беморларда фаоллик индекслари кўрсаткичлари ҳам таҳлил ўтказилди, таҳлил натижаларга асосан 2 ла гуруҳда сезиларли фарқ кузатилмади (5 – жадвал).

5 - жадвал

HLA-B27 ҳолатига кўра анкилозловчи спондилоартрит тавсифи


Кўрсаткичлар	HLA-B27+ беморлар, n=83	HLA-B27- беморлар, n=7	p
Эркаклар/аёллар, n (%)	74/9 (82,2/17,8)	5/2 (71,4/28,6)	0,012
Беморлар ёши, йиллар	37	34	0,15
Касаллик давомийлиги, йиллар	16	19	0,81
Дебют вақтида бемор ёши, йиллар	36	40	0,047
Аксиал шакл, n (%)	55 (66,3%)	4 (57,1%)	0,78

Периферик шакл, n (%)	28 (33,7%)	3 (42,8%)	
АСА рентгенгача (R ₀) босқичи, n (%)	8 (9,6%)*	3 (42,8%)	0,1
АСА авж олган (R ₁) босқичи, n (%)	38 (45,8%)	3 (42,8%)	
АСА кечки (R ₂) боқичи, n (%)	37 (44,6%)*	1 (14,3%)	
Сакроилеит I Rg босқич (Келлгрэн буйица)	8 (9,6%)*	3 (42,8%)	0,085
Сакроилеит II Rg босқич	17 (20,5%)*	3 (42,8%)	
Сакроилеит III Rg босқич	39 (47%)*	1 (14,3%)	
Сакроилеит IV Rg босқич	19 (22,9%)	-	
BASDAI	5	4,9	0,57
ASDASCPO	3,3	3,1	1
ASDASЭЧТ	3,2	2,9	0,94
С-реактив оксил	9,14*	5,64	0,98
Эритроцитлар чўкиш тезлиги	20	16	0,80

Изоҳ: *- p<0,05 - HLA-B27- беморлар кўрсаткичларига нисбатан фарқнинг ишончилиги


Диссертациянинг “Анкилозловчи спондилоартрит билан беморлар ІІ-23 ва YKL-40 таҳлили ҳамда уларнинг касаллик фаоллик даражалари билан корреляцион боғлиқлиги натижалари” деб номланган тўртинчи бобида Анкилозловчи спондилоартрит билан касалланган беморларда ІІ-23 ва YKL-40ни аниқлаш натижалари ҳамда ва уларнинг касаллик фаоллик даражалари билан корреляцион боғлиқлиги натижалари келтирилган.

Касаллик фаоллик даражасини билдирувчи кўрсаткичлардан бири ІІ-23 миқдори АСА босқичига кўра даражалари таҳлил қилинди. Унга асосан эрта, яъни рентгенгача бўлган босқичда юқори кўрсаткични намоён қилди, яъни 11,75 pg/ml, кейинчалик яъни тарқалган ва кечки босқичларда ІІ-23 кўрсаткичи камайиб борди, яъни R1 да 9,5, R2 да 9,3 pg/m ни ташкил қилди. Айни дамда назорат гуруҳида меъёрий натижа қайд этилди. Демак бу кўрсаткич касаллик эрта босқичида фаоллигидан дарак беради (7 – расм).



7 – расм. ІІ-23 миқдорининг анкилозловчи спондилоартрит босқичига кўра ўзгаришлари

Тоғай деструкциясини билдирувчи тоғай гликопротеиди-39 даражаси АСА босқичига кўра таҳлил этилганида ҳам эрта R0 босқичида баланд, яъни 1,6, кейинги R1 ва R 2 босқичларда мос равишда 1,3 ва 1 даражаларни намоён қилди,назорат гуруҳида эса бу меъёрий кўрсаткичларда сақланди. Демак бу шуни билдирадики, касалликнинг эрта босқичларида тоғай деструкциясини билдирувчи тоғай гликопротеиди-39 даражаси касаллик босқичи илгариланган сари пасайиб боради (8 – расм).



Изох: *- $p < 0,05$ - назорат гуруҳи кўрсаткичига нисбатан фарқнинг ишончилиги

8 – расм. анкилозловчи спондилоартрит босқичига кўра УКЛ-40 миқдорининг ўзгаришлари

ІІ 23 касаллик фаоллик даражалари билан, яъни BASDAI бўйича паст ва ўрта фаоллик даражалари билан кучли манфий, юқори ва жуда юқори фаоллик даражалари билан мос равишда кучсиз ва жуда кучсиз манфий боғлиқлик; ASDAS бўйича паст ва ўртача фаоллик даражалари билан ўртача манфий, юқори ва жуда юқори фаоллик даражалари билан мос равишда кучсиз ва жуда кучсиз манфий боғлиқлик; ВАШ бўйича эса фақат паст фаоллик даражаси билан ўртача манфий, қолган фаоллик даражалари билан

кучсиз ва жуда кучсиз манфий корреляцион боғлиқликлар мавжудлиги аниқланди (6 – жадвал).

6 – жадвал

IL 23 нинг анкилозловчи спондилоартрит фаоллик даражалари билан корреляцион боғлиқлиги

Фаоллик даражалари	IL 23	p
BASDAI		
Паст	-0,82	0,032
Ўрта	-0,80	0,040
Юқори	-0,43	0,048
Жуда юқори	-0,18	0,082
ASDAS		
Паст	-0,72	0,046
Ўрта	-0,52	0,047
Юқори	-0,41	0,047
Жуда юқори	-0,20	0,071
ВАШ		
Паст	-0,56	0,048
Ўрта	-0,34	0,062
Юқори	-0,21	0,073
Жуда юқори	-0,08	0,084

IL 23 ва АСА рентгенгача босқичи ўртасида кучли манфий, тарқалган ва кечки босқичлари ўртасида кучсиз ва жуда кучсиз манфий корреляцион боғлиқлик; Рентгенологик 1-,2-босқичлари ўртасида кучли манфий, қолган босқичлар ўртасида кучсиз ва жуда кучсиз манфий корреляцион боғлиқлик мавжудлиги аниқланди (7-жадвал).

7-жадвал

IL-23 нинг анкилозловчи спондилоартрит клиник ва рентгенологик босқичлари билан корреляцион боғлиқлиги

Анкилозловчи спондилоартрит клиник босқичлари		
Рентгенгача	-0,88	0,021
Тарқалган	-0,27	0,054
Кечки	-0,09	0,082
Анкилозловчи спондилоартрит рентгенологик босқичлари		

I	-0,72	0,032
II	-0,70	0,040
III	-0,23	0,058
IV	-0,18	0,072

YKL-40 касаллик фаоллик даражалари билан, яъни BASDAI бўйича фақат паст фаоллик даражаси билан кучли манфий, ўрта фаоллик даражаси билан ўртача манфий, юқори ва жуда юқори фаоллик даражалари билан жуда кучсиз манфий боғлиқлик; ASDAS бўйича паст фаоллик даражаси билан ўртача кучдаги манфий, ўртача, юқори ва жуда юқори фаоллик даражалари билан кучсиз ва жуда кучсиз манфий боғлиқлик; ВАШ бўйича эса фақат паст фаоллик даражаси билан ўртача манфий, қолган фаоллик даражалари билан кучсиз ва жуда кучсиз манфий корреляцион боғлиқликлар мавжудлиги аниқланди (8 – жадвал).

8-жадвал

YKL-40 нинг анкилозловчи спондилоартрит фаоллик даражалари билан корреляцион боғлиқлиги

Фаоллик даражалари	YKL-40	p
BASDAI		
Паст	-0,75	0,038
Ўрта	-0,56	0,049
Юқори	-0,13	0,054
Жуда юқори	-0,09	0,092
ASDAS		
Паст	-0,67	0,046
Ўрта	-0,47	0,054
Юқори	-0,17	0,065
Жуда юқори	-0,06	0,092
ВАШ		
Паст	-0,56	0,049
Ўрта	-0,34	0,063
Юқори	-0,12	0,088
Жуда юқори	-0,08	0,090

YKL-40 ва АСА рентгенгача босқичи ўртасида кучли манфий, тарқалган ва кечки босқичлари ўртасида кучсиз ва жуда кучсиз манфий

корреляцион боғлиқлик; Рентгенологик 1-,2-босқичлари ўртасида кучли манфий, қолган босқичлар ўртасида кучсиз ва жуда кучсиз манфий корреляцион боғлиқлик мавжудлиги аниқланди (9-жадвал).

9-жадвал

YKL-40 нинг анкилозловчи спондилоартрит клиник ва рентгенологик босқичлари билан корреляцион боғлиқлиги

анкилозловчи спондилоартрит клиник босқичлари		
Рентгенгача	0,84	0,023
Тарқалган	0,22	0,055
Кечки	0,06	0,083
анкилозловчи спондилоартрит рентгенологик босқичлари		
I	0,81	0,031
II	0,76	0,044
III	0,27	0,062
IV	0,08	0,074

ХУЛОСА

Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)нинг “Анкилозловчи спондилоартритда цитокинлар ва тоғай туқимаси маркерларининг клиник-диагностик ва прогностик ахамияти” мавзусидаги диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосалар чиқариш мумкин:

1. IL-23 анкилозловчи спондилоартрит дастлабки рентгенгача бўлган босқичида максимал (11,75), авж олган ва кечки босқичида пасайиб борди (9,5 ва 9,28), бу эса дастлабки босқичда IL-23 юқори даражаси жараённинг фаоллигини билдиради.

2. Анкилозловчи спондилоартрит билан оғриган беморларнинг қон зардобида YKL-40 концентрацияси R0 босқичида юқори (1,58), R1 ва R2 босқичларида паст (1,28) ва жуда паст (1,02) кўрсаткичларни намоён қилди, демак касаллик эрта босқичидан YKL-40 баланд кўрсаткичи тоғай деструкциясининг авж олишидан далолат беради.

3. IL-23, YKL-40 даражалари ва касаллик фаоллик индекслари ўртасида кучли манфий боғлиқлик мавжуд бўлиб, улар камайган сари фаоллик индекслари пасайиб боради, демак касаллик эрта босқичида уларнинг даражалари юқори бўлади.

4. Анкилозловчи спондилоартрит дастлабки босқичларида IL-23 ва YKL-40 даражаларининг ошиши тоғай деструкциясининг эрта башоратли диагностик маркери сифатида хизмат қилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ**

ТАШКЕНТСКАЯ МЕДИЦИНСКАЯ АКАДЕМИЯ

МАХАМАТХОДЖАЕВА ХУЛКАР БАХТИЯРОВНА

**КЛИНИКО-ПАТОГЕНЕТИЧЕСКОЕ И ДИАГНОСТИЧЕСКОЕ
ЗНАЧЕНИЕ ЦИТОКИНОВ И МАРКЕРОВ ХРЯЩЕВОЙ ТКАНИ ПРИ
АНКИЛОЗИРУЮЩИМ СПОНДИЛОАРТРИТЕ**

14.00.05 – Внутренние болезни

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ - 2024

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии В2023.3.PhD/Tib3752

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www.tma.uz) и информационно-образовательном портале “ZiyoNet” (www.ziyo.net).

Научный руководитель:

Набиева Дилдора Абдумаликовна
доктор медицинских наук, профессор

Официальные оппоненты:

Шодикулова Гуландом Зикрияевна
доктор медицинских наук, профессор

Абдуллаев Хожиакбар Хатамович
доктор медицинских наук, профессор

Ведущая организация:

**Ташкентский педиатрический
медицинский институт**

Защита диссертации состоится « ____ » _____ 2024 г. в _____ часов на заседании Научного совета 04/30.12.2019.Tib.30.02 при Ташкентской медицинской академии (Адрес: 100109, г.Ташкент, Алмазарский район, ул. Фароби, 2. Тел./Факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентской медицинской академии (зарегистрирована, № ____). (Адрес: 100109, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Фаробий, 2. Тел./Факс: (+99878) 150-78-14).

Автореферат диссертации разослан « ____ » _____ 2024 год.

(Протокол рассылки № ____ от « ____ » _____ 2024 года)

А.Г. Гадаев

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

Н.И Пулатова

Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

А.Л. Аляви

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор, академик АН РУз

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертационной работы.

Анкилозирующий спондилоартрит - хроническое воспалительное ревматическое заболевание, относящееся к группе спондилоартритов, наличие прогрессирующего обострения, ранней инвалидизации и тяги к развитию тяжелых осложнений свидетельствует о том, что актуальность этого заболевания сохранилась **и по сей день**. Распространенность анкилозирующего спондилоартрита варьируется в зависимости от региона и составляет в среднем от 0,02% до 1,4% среди пожилого населения. Согласно современным взглядам, «...в патогенезе ревматических заболеваний, включая анкилозирующий спондилоартрит, центральное место занимает патологический цитокин IL-23...».¹ Также было обнаружено, что пациенты с этим заболеванием коррелируют с повышением уровня YKL-40 в сыворотке крови с клинико-лабораторными показателями воспалительной активности.

В мире проводится множество научных исследований, посвященных проблемам ранней диагностики анкилозирующего спондилоартрита, прогнозированию и профилактике осложнений заболевания. В частности, пациенты с анкилозирующим спондилоартритом подтверждают, что высокие уровни IL-23 в плазме крови связаны с активностью заболевания. В то же время, в соответствии с рентгенологическими стадиями заболевания, изменение уровня YKL-40 указывает на выраженность деструкции хрящевой ткани. В связи с необходимостью ранней диагностики анкилозирующего спондилоартрита заболевание изучается более глубоко, что позволяет различать различные стадии заболевания, а также ранние стадии.

